

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АНАРКУЛОВ АЗИЗЖАН ДАВЛАТКУЛОВИЧ

ХУДУДЛАР МОЛИЯВИЙ-ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИНИ
БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on economical sciences**

Анаркулов Азизжан Давлаткулович

Худудлар молиявий-инвестицион салоҳиятини баҳолаш ва
бошқариш тизимини такомиллаштириш..... 3

Анаркулов Азизжан Давлаткулович

Совершенствование оценки и управления финансово-
инвестиционным потенциалом регионов 29

Anarkulov Azizjan Davlatkulovich

Improving the assessment and management of the financial and
investment potential of the regions 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work 60

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АНАРКУЛОВ АЗИЗЖАН ДАВЛАТКУЛОВИЧ

ХУДУДЛАР МОЛИЯВИЙ-ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТИНИ
БАҲОЛАШ ВА БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Iqt.709 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пулатов Дилшод Ҳақбердиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тошмурадова Бувсара Эгамовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Исламқулов Алимназар Худжамуратович
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етақчи ташкилот:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51. e-mail: tdu@tdiu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс : (99871) 239-43-51. e-mail: tdu@tdiu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Х. Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Т. Бердияров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

С.К. Худойқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётидаги глобал инвестициялар оқимида ҳар бир ҳудуддаги мавжуд иқтисодий салоҳиятга асосланган ҳолда инвестицион фаолликни ошириш тенденциялари кузатилмоқда. Иқтисодиётдаги инновацион жараёнларга инвестицияларни кенг жалб этиш орқали миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ҳудудларнинг мувозанатли ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш мақсадида улардаги мавжуд салоҳиятга асосланган ҳолдаги фаол ҳудудий инвестиция сиёсатини олиб боришни тақозо этмоқда. Шунингдек, «COVID-19 глобал пандемияси таъсирида жаҳон миқёсида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2020 йилда 40 %га, 2021 йилда 5-10 %га пасайиши ва 2022 йилдан жонланиш фазасига ўтиши прогноз қилинган»¹. Бундай ҳолат глобал миқёсдаги ишбилармон фаоллик индексининг пасайиб бориши шароитида жаҳон мамлакатларида ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишга инвестицияларни жалб этишда, аввало, мавжуд инвестицион салоҳиятга асосланган ҳолда интенсив иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича ислохотларни чуқурлаштиришни талаб этмоқда.

Жаҳонда капиталнинг чиқиб кетиши билан (Capital flight) боғлиқ тенденцияларнинг авж олиши миллий иқтисодиёт ва унинг ҳудудлари инвестицион фаоллигига таъсир этувчи омилларни тизимлаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш тенденциялари ривожланишига сабаб бўлмоқда. Молиявий ва инвестицион салоҳият категорияларини мамлакат ва унинг ҳудудлари инновацион ривожланиши учун мавжуд табиий-географик, молиявий-иқтисодий ва ишчи кучи ресурсларидан оқилona фойдаланиш, ҳудудлар инвестицион салоҳиятини баҳолаш ва бошқариш самарадорлигини ошириш, ҳудудлар инвестицион салоҳиятидан инвестицияларни молиялаштириш манбаларини таҳлил қилиш, ҳудудий инвестицион сиёсатни фаоллаштириш, ҳудудий инвестицион фаолликнинг инновацион йўллари ишлаб чиқиш илмий тадқиқотнинг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистонда қабул қилинаётган инвестиция дастурлари ва ҳудудий инвестиция сиёсатини самарали ташкил қилишда ҳар бир ҳудуднинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш ва бошқаришга тизимли ёндашув муҳим аҳамият касб этмоқда. Инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш ҳудудлар ички молиявий-инвестицион имкониятларини аниқлаш, истиқболда ҳудудий ривожланишни таъминлаш дастурларини ишлаб чиқишнинг муҳим услубий асосини ташкил қилади. «Мамлакатимиз ҳудудларининг молиявий-иқтисодий салоҳияти ва уни истиқболда рўёбга чиқариш учун зарурий ички ва ташқи инвестицион ресурсларга реал эҳтиёжни аниқлаш услубиётини такомиллаштириш янги Ўзбекистон тараққиётининг муҳим омили»² эканлиги таъкидлаб ўтилган. Мамлакатимиз ҳудудларига инвестициялар ҳажмини

¹ World Investment Report 2020. United Nations Publications, 405 East 42nd Street, New York, 10017. www.worldinvestmentreport.org

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь, 271-272 (7229-7230) сони.

кенгайтиришга қаратилаётган эътибор натижасида мазкур соҳада инвестицион самарадорлик механизмини такомиллаштириш борасидаги илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4937-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва соҳага оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Худудий инвестицион сиёсатнинг назарий жиҳатлари қатор хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, Р.Стобуг, Р.Стоун, Н.Абыкаев, В.Андрианов, В.Бард, А.Бельский, Н.Берзон, Ю.Вернадский, В.Бочаров, Е. Губанова, Н.Колесникова, А.Коломиец, А.Мельник, Э.Крылов, В.Власова, М.Егорова, Д.Лаврик, М.Прусак, Н.Сабитова, В.Савельев, М.Черевикина, Г.Ждан, А.Шахназаров, И.Ройзман³ сингари

³ Stobaugh R. How to Analyze Foreign Investment Climates. – Harvard Business Review, September October 1969. – p.189.; Stoun R. Social Account at the Regional Level: a Survey. In: Regional Economic Planning. Techniques of Analysis for Less Developed Areas/Ed. By W. Isard and J. Camberland. OECD. Paris, 1961; Абыкаев Н. Инвестиционный потенциал и экономический рост (методологический аспект). // Экономист, 2000. № 6. – С. 58– 66.; Андрианов В.Д. Россия: экономический и инвестицион-ный потенциал. – М.: ОАО «Издательство «Экономика», 1999. – 662 с.; Бард В.С., Бузулуков С.Н., Дрогобыцкий И.Н., Щепетова С.Е. Инвестиционный потенциал Российской экономики. – М.: Издательство «Экзамен», 2003. – 320 с.; Бельский А.В. Анализ инвестиционной привлекательности регионов. // Сборник научных трудов: Региональная экономика проблемы и перспективы. – М., 2003. – 320 с.; 16. Берзон Н. Формирование инвестиционного климата в экономике // Вопросы экономики. 2001. № 7. – С. 104–114.; Вернадский Ю.И., Терещенко О.В. Интеграция финансового и промышленного капитала как фактор роста инвестиционного потенциала реального сектора экономики. // Регион: экономика и социология. 2002. № 1. – С. 97–102.; Бочаров В.В. Финансово–кредитные методы регулирования рынка инвестиций. – М.: Финансы и статистика, 1993 – 158 с.; Губанова Е.С. К вопросу об оценке инвестиционного потенциала региона // Экономист. 2003. № 1. – С. 22–31.; Колесникова Н.А. Финансовый и имущественный потенциал региона: опыт регионального менеджмента. – М.: Финансы и статистика, 2000. – 240 с.; Коломиец А.Л., Новикова А.И. О соотношении финансового и налогового потенциалов в региональном разрезе. // Налоговый вестник. 2000. -№3. – С. 5–8.; Коломиец А.Ж., Мельник А.Д. О понятиях налогового и финансового потенциалов региона. // Налоговый вестник. 2000. № 1. – с. 3–7.; Крылов Э.И., Власова В.М., Егорова М.Г. и др. Анализ финансового состояния и инвестиционной привлекательности предприятия. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 192 с.; Лаврик Д.А. Диагностика региона основа для эффективного размещения инвестиций. // Сборник научных трудов: Управление экономикой: методы, модели, технологии. – Уфа: УГАТУ, 2001. –246 с.; Прусак М.М. Стратегия региона: инвестиции в экономику. // Финансы, 2001. № 1. – С. 6–8.; Сабитова Н.М. О понятии финансового потенциала региона и методология его оценки. // Финансы, 2003. № 2. – С. 63–65.; Савельев В. Инвестиционный потенциал регионов: региональный прогноз. // Обозреватель Observer. 2003. № 3. – с. 83–89.; Черевикина М.Ю., Ждан Г.В. Оценка инвестиционного потенциала и региональная инвестиционная политика. // Регион: экономика и социология. -2000.-№2. – С. 107-117.; Шахназаров А., Ройзман И. Инвестиционная привлекательность регионов. // Инвестиции в России. 1996. № 9. – С. 3–5.

иқтисодчи олимларнинг ишларида ҳудудлар молиявий-инвестицион салоҳиятини баҳолаш ва бошқаришнинг илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатлари ёритиб берилган.

Мазкур масалалар маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.Бурханов, Б.Валиев, Д.Исмаилов, А.Исламқулов, Х.Имомов, Н.Каримов, Т.Маликов, Ш.Мустафақулов, Д.Ғозибеков, Ж.Раззаков, Н.Султонбоева, Б.Тошмуродова, Х.Худойқулов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Юқоридаги иқтисодчи-олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда миллий иқтисодиётга инвестицияларни миллий, тармоқ ва алоҳида хўжалик субъектлари миқёсида жалб қилишнинг молиявий-иқтисодий жиҳатлари кенг тадқиқ қилинган. Лекин ҳудудлар кесимида молиявий-инвестицион салоҳиятни оптимал бошқариш орқали инвестицион фаолликни ошириш имкониятларининг илмий-назарий ва амалий асосларини комплекс тадқиқ қилиш билан боғлиқ илмий ишланмалар янги Ўзбекистонни барпо этиш билан боғлиқ ислохотларда муҳим аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг ФМ-1-сон «Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлаштиришнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳудудлар молиявий-инвестицион салоҳиятини баҳолаш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

ҳудудлар инвестицион салоҳиятининг мазмуни ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими хусусиятларини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш;

инвестицион салоҳиятдан оқилона фойдаланиш – ҳудудий инвестицион сиёсат самарадорлигининг бош омили сифатидаги хусусиятларини тизимлаштириш;

ҳудудлар инвестицион салоҳиятини баҳолаш усуллари ва бошқариш самарадорлигини комплекс баҳолаш;

ҳудудлар инвестицион салоҳиятидан оқилона фойдаланиш контекстида инвестицияларни молиялаштириш манбаларини таҳлил қилиш;

ҳудудлар инвестицион салоҳиятига таъсир қилувчи омилларнинг эконометрик таҳлили натижасида ҳудудий инвестицион сиёсатни фаоллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

молиявий-инвестицион салоҳиятни юксалтириш имкониятларига асосланган ҳолда ҳудудий инвестицион фаолликни инновацион тараққиёт йўналишида ошириш истиқболларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси молиявий-инвестицион салоҳиятини баҳолаш ҳамда бошқариш амалиёти олинган.

Тадқиқотнинг предмети ҳудудлар кесимида молиявий-инвестицион салоҳиятни баҳолаш ва уни бошқариш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий билишнинг илмий абстракциялаш, кузатиш, гуруҳлаш, таққослаш, корреляцион, регрессион таҳлил ва иқтисодий-математик моделлаштиришдек назарий ҳамда эмпирик усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инвестицион жозибдорликни баҳолашда ҳудудлар инвестицион фаолияти самарадорлигининг ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткичига ($\Delta ICOR_{PecH} < \Delta ICOR_{KQP}$) асосланган мезони таклиф этилган;

ривожланиш даражаси бирмунча паст бўлган ҳудудларнинг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда инвестиция кредитлари бўйича фоизларни Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан бонификациялаш таклиф этилган;

ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятини бошқаришда «иқтисодий-ресурс», «молиявий-ресурс», «ижтимоий-ресурс» компонентларини ўзида мужассамлаштирган «Ҳудудлар инвестицион паспорти» архитектураси лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Қорақалпоғистон Республикасида инвестицион фаолликни ҳосилавий инвестициялар ҳажми ошишига мультипликатив таъсирининг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳудудий иқтисодий фаоллик кўрсаткичига инвестициялар таъсири коэффицентининг такомиллаштирилган услубиёти асосидаги динамик кўрсаткичлар бўйича Қорақалпоғистон Республикасидаги инвестицияларни тармоқ ва ҳудудлар кесимида оптимал жойлаштириш дастури ишлаб чиқилган;

марказлаштирилмаган ва марказлаштирилган инвестицияларнинг йиллик номинал ўсиш суръатига нисбати индекси асосидаги солиштирма таҳлиллар натижалари асосида Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд инвестицион салоҳиятнинг молиявий компонентлари сифатида корпоратив молиялаштириш манбаларини янада кўпайтиришга йўналтирилган амалий тавсиялар тизими ишлаб чиқилган;

ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг республика бўйича индексини (I_{ipp}) ҳисоблаш орқали Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд инвестицион салоҳиятдан оқилона фойдаланиш имкониятларини аниқлаш услубиёти ишлаб чиқилган;

инвестицион салоҳиятни оптимал бошқариш мақсадида «Ҳудудлар инвестицион паспорти»нинг ахборот тизими архитектураси таклиф қилинган;

ривожланиш даражаси суст ҳудудлар учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш тизимини жорий этиш орқали инвестициялар ҳажминини ошириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат

солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда илмий асосланганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда ҳудудлар молиявий-инвестицион салоҳиятни бошқариш тизимига оид янги илмий концепциялар, таклифлар тизимлаштирилганлиги ва улардан илм-фан тараққиётига хизмат қилувчи илмий тадқиқотлар учун илмий-назарий манба сифатида фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда тизимлаштирилган амалий тавсиялардан ҳудудлар кесимида молиявий-инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланишга оид иқтисодий ривожланиш дастурлари ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда муҳим амалий аҳамиятга эга услубий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳудудлар молиявий-инвестицион салоҳиятини баҳолаш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Инвестицион жазибадорликни баҳолашда ҳудудлар инвестицион фаолияти самарадорлигининг ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткичига ($\Delta ICOR_{Ресн} < \Delta ICOR_{ҚҚР}$) асосланган мезони бўйича ишлаб чиқилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги ПҚ-4889-сон «2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ҳисобга олинган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 02/1491-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Қорақалпоғистон Республикасида 2020-2022 йилларда ҳудудий инвестиция лойиҳалари доирасида умумий қиймати 12,3 трлн. сўмлик 1359 та лойиҳани ишга тушириш ва 17,5 мингта янги иш ўринларини яратиш назарда тутилган.

Ривожланиш даражаси бирмунча паст бўлган ҳудудларнинг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда инвестиция кредитлари бўйича фоизларни Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан бонификациялаш орқали инвестициялар ҳажмини ошириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги ПҚ-4889-сон «2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида эътборга олинган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 02/1491-сон маълумотномаси). Бу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Тахтақўпир, Бўзатов ва Шуманай туманларининг «Ўсиш нуқталари»даги

(«драйвер» соҳалар) инвестицион лойиҳаларни кредитлаш имкониятлари янада кенгайтирилди.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳудудларнинг инвестицион салоҳиятини бошқаришда «иқтисодий-ресурс», «молиявий-ресурс», «ижтимоий-ресурс» компонентларини ўзида мужассамлаштирган «Ҳудудлар инвестицион паспорти» архитектураси лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 апрелдаги 243-сон «2020-2021 йилларда Қорақалпоғистон Республикасининг Бўзатов туманини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида эътиборга олинган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 02/1491-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқи натижасида Қорақалпоғистон Республикасида ҳудудий инвестицион салоҳиятга асосланган ҳолда иқтисодий фаолият турлари бўйича асосий капиталга киритилган инвестиция ва кредитлар жами ҳажмида 23,5 фоизи тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш фаолият турига киритилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,9 фоизга ортган (ўтган йилнинг мос даврида 20,6 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигига киритилган жами инвестиция ва кредитларнинг улуши 13,0 фоизни ташкил қилиб, 11,3 фоизга ортган, жами инвестиция ва кредитларнинг 16,0 фоизи қайта ишлаш саноатига киритилган.

Қорақалпоғистон Республикасида инвестицион фаолликнинг ҳосилавий инвестициялар ҳажми ошишига мультипликатив таъсирининг 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги ПҚ-4889-сон «2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида эътиборга олинган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва қамбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 02/1491-сон маълумотномаси). Бундай кўрсаткичларга асосланган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасида инвестицион фаолликнинг ўрта муддатли истиқболга прогноз кўрсаткичлари шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та, жумладан 5 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, шундан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 151 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда объект ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Худудлар инвестицион салоҳиятини баҳолаш ва бошқаришнинг илмий-назарий асослари**» деб номланиб, ҳозирги кунда худудлар инвестицион салоҳиятининг мазмуни ва уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимининг хусусиятлари ёритиб берилган, инвестицион салоҳият худудлар инвестицион жозибадорлигини оширишнинг иқтисодий имкониятларини мужассамлаштирувчи кўрсаткич сифатида таҳлил қилинган, инвестицион салоҳиятдан худудий инвестицион сиёсат самарадорлигининг бош омили сифатида оқилона фойдаланиш масаласи ўрганилган ва уни қўллаш имкониятлари асосланган.

Халқаро тажрибада, макродаражада мувозанатли иқтисодий тараққиётни таъминлашга шарт-шароит яратиш мантиқи, аввало, ҳар бир худуд кесимида уларнинг мавжуд иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ҳисобига мувозанатли иқтисодий ривожланиш учун макроиқтисодий муҳитни таъминлаш зарурлиги таъкидланади⁴. Муаллифнинг фикрича, худудларни мувозанатли барқарор ривожланишга йўналтирилган худудий иқтисодий сиёсат мавжуд иқтисодий салоҳият билан бирга истиқболдаги ривожланишнинг муҳим молиявий-иқтисодий замини ҳисобланган худудий инвестицион салоҳият, худудлараро интеграцион алоқаларни ривожлантириш учун ҳам макроиқтисодий муҳитни шакллантиришга қаратилиши мақсадга мувофиқдир. Айниқса, нисбатан кичик худудий бирликлар кесимида мавжуд инвестицион салоҳиятдан фойдаланишда синергетик самарага эга иқтисодий ривожланишнинг бош омили худудлараро интеграцион алоқаларни ривожлантириш ҳисобланади.

«Салоҳият» иқтисодий категория сифатида қуйидагича талқин қилиниши мумкин: «Бозор субъектларининг маълум фаолият тури ва ишлаб чиқариш жараёни учун имкониятга эга бўлиш ҳамда тайёрлик ҳисобланиб, у бўйича доимо абсолют ва нисбий афзалликка эга бўлишдир»⁵.

Жаҳон амалиётида инвестицияларнинг классик талқинида моддий ёки молиявий шаклдаги нафлилик ва ижтимоий самара олиш мақсадида бизнес, тадбиркорлик ёки бошқа фаолият турларига қўйилма қилинувчи моддий-

⁴ Binassy-Quir A., Coupet M. and Mayer T. (2015) «Institutional Determinants of Foreign Direct Investment», CEPPI Working Paper, 2015/05, Paris.

⁵ Котаюбов В.Ю. Инвестиционный потенциал хозяйственной деятельности: Макроэкономический и финансово-кредитный аспекты. – М.: МГИМО-Университет, 2004. – С.82.

молиявий, интеллектуал ресурслар ва уларга доир ҳуқуқларга инвестициялар⁶ деб таъриф беришдаги ёндашувлар мавжуд.

Иқтисодчи В.М.Шимова инвестициялар ва инвестицион салоҳият тушунчаларининг диалектик ўзаро боғлиқлигига тўхталиб, «Узлуксиз ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг интенсив равишда ташкил қилишнинг муҳим элементи ҳисобланувчи инвестицион салоҳиятдан мақсадга мувофиқ ва самарали фойдаланиш, аввало, кутиладиган нафлилик, хусусан, ижтимоий-иқтисодий нафлилик натижаларига эга илмий-инновацион молиявий база сифатида сифат жиҳатдан янги асосий ишлаб чиқариш фондларини яратиш ҳисобланади⁷.

Демак, «салоҳият», «инвестиция», «инвестицион фаолият» тушунчалари бўйича фикрларни умумлаштириш ва уларни ўзаро уйғунлаштириш натижасида шундай хулоса қилиш мумкинки, инвестицион салоҳият иқтисодий агентлар томонидан (давлат, ҳудуд, хўжалик субъектлари) ижтимоий ва иқтисодий нафлиликни ўзида мужассамлаштирган фойда ҳамда ижтимоий самара олиш мақсадида молиявий ва номолиявий активларни қўйилма қилиш учун уларда мавжуд ресурслар, ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда мавжуд иқтисодий салоҳиятни тўплаш имконияти ҳисобланади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда, ҳудудлар инвестицион салоҳияти тизимлаштирилса, ҳудудлардаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий ва илмий-инновацион фаолият турларига киритиладиган инвестициялар учун уларда мавжуд ресурслар, ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга ижтимоий-иқтисодий салоҳиятни тўплаш имконияти ҳисобланади.

Бу масалада, иқтисодчилар Н.А.Абикаева ва В.В.Бочаров қуйидаги фикрларни билдириб ўтганлар. Улар инвестицион талабнинг таркибини таҳлил қилиш орқали хусусий салоҳият талаби ва мукамал талабларни (капитал таклифи) ажратиб кўрсатади. Шунингдек, бу асосда улар хусусий салоҳият талаби иқтисодий субъект даромади (фойда), яъни шахсий тасарруфдаги даромадларда уни жамғаришга йўналтириш хоҳишлари, мутлақ кўрсаткичларда уни ҳисоблаш қуйидагича бўлади:

$$Y_d = b \times Y \quad (1.1)$$

бу ерда: b – шахсий тасарруфдаги даромадларда жамғаришнинг улуши; Y_d – шахсий тасарруфдаги даромадни ифодалайди) мавжуд бўлмаган шароитда вужудга келиши бўйича хулоса қиладилар. Жамғаришга чегаравий мойиллик кўрсаткичи қуйидагича ҳисобланади:

$$MPS = \Delta S / \Delta Y_d \quad (1.2)$$

Жамғаришга йўналтириш хоҳишларининг паст кўрсаткичи, яъни жамғаришга чегаравий мойиллик кўрсаткичи $0 \leq MPS \leq 0,5$ интервалда ёки

⁶ <https://www.investopedia.com/> - сайти маълумотлари.

⁷ Шимова В.Н. Национальная экономика Беларуси: Потенциалы. Хозяйственные комплексы. Направления развития. Механизмы управления. Учебное пособие. – Минск: БГЭУ, 2010. – 431 с.

ушбу кўрсаткичнинг йиллик пасайиш динамикасида кузатилади. Бундай ҳолатга расмий равишда келгусидаги инвестициялаш учун манба сифатида инвестицион салоҳият, деб аниқлик киритилган⁸.

Ҳудудларнинг молиявий-инвестицион салоҳияти унинг шаклланиши, ҳудуд иқтисодиёти ва мавжуд корхоналар тармоқлари молиявий-инвестицион салоҳиятининг элементларидан ташкил топиши тизимлаштирилди. Малумки, инвестицион талаб инвестиция ресурслари бозоридаги салоҳиятли инвесторлар томонидан таклиф этилган капиталга нисбатан харид қобилиятига эга эҳтиёж сифатида аниқлик киритилади ва 2 тур, яъни: потенциал ва реал турларга ажратиш ҳолатлари ҳам мавжуд⁹. Шунингдек, инвестицион салоҳият ижтимоий-иқтисодий фаолият мобайнида молиявий, номолиявий ва илмий-интеллектуал ресурсларга реал талабни қондириш қобилиятини рўёбга чиқариш имкониятини ифодалайди¹⁰.



1-расм. Ҳудудларнинг молиявий-инвестицион салоҳияти¹¹

⁸ Швандар К.В. Прямые иностранные инвестиции в странах BRIC. //Банковское дело, № 02, 2008. – С.46.

⁹ <https://finswin.com/vlozheniya/osnovy/investicionnyj-spros.html>

¹⁰ Ўша жойда.


¹¹ Муаллиф томонидан умумлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган.

Муаллифнинг фикрича, инвестиция салоҳиятини даромад (фойда) ва шахсий тасарруфдаги даромад компоненти сифатидаги юқори жамғариш нормаси ҳисобига инвестицион талабнинг моддий негизини шакллантириш сингари кўрсаткичлар билан ҳамиша ҳам уйғунлаштириш тўғри бўлавермайди. Чунки назарий жиҳатдан таҳлил қилинганда шахсий истеъмол кўрсаткичи билан жамғариш ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд бўлиб, реал жамғариш кўрсаткичи потенциал инвестицион ресурс ҳисобланади.

Инвестицион салоҳият иқтисодий агентлар тасарруфидаги мавжуд ресурслар, молиявий ва номолиявий активлар ҳамда уларни инвестицион фаолиятга кенг жалб этиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий асосларни мужассамлаштирувчи жамланма кўрсаткич бўлиб, ундан самарали фойдаланиш инвестиция жараёнларини тўғри ва мақсадга мувофиқ шакллантириш билан боғлиқ (1-расм).

Ҳудудий молиявий ресурслар бозорини шакллантириш ҳудудлар молиявий-инвестицион салоҳияти ошишининг мажбурий шarti ҳисобланади. Бундай бозорнинг вазифаси хўжалик субъектлари ва аҳолининг вақтинча бўш пул маблағларини жалб этиб, уларнинг ҳудудни ривожлантиришдаги инвестицион талабларини самарали қондиришдан иборат.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда таъкидлаш жоизки, инвестиция салоҳияти инвестицион ресурсларга нисбатан кенг тушунча сифатида уларни ўз ичига олади. Инвестицион салоҳиятни самарали бошқариш амалдаги инвестиция сиёсатининг стратегик мақсадларини реализация қилиш омилларидан бири ҳисобланади. Ҳудудларнинг инвестицион салоҳияти кўп омилли феномен бўлиб, унинг ички тузилмасини ташкил этувчи элементларни 3 асосий компонентга бирлаштириш мумкин (2-расм).




2-расм. Ҳудудлар инвестицион салоҳиятининг асосий компонентлари¹²

¹² Муаллиф томонидан тузилган.

Бу компонентлар таркибидаги иқтисодий-ресурс компонентлари асосан ҳудуднинг табиий-ресурс, меҳнат ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ифодалайди.

Юқоридаги компонентлар таъсирида шаклланувчи инвестицион салоҳият, ҳудудларнинг инвестицион жалб этувчанлиги ва инвестицион имижини шаклланиши негизда ҳар бир ҳудуднинг инвестицион рақобатбардошлигини мустақамлашнинг моддий асосини ташкил қилади. Бундай кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини қуйидаги расм маълумотлари орқали кузатиш мумкин (3-расм).



3-расм. Инвестицион салоҳият ва уни белгиловчи кўрсаткичлар¹³

Инвестицион жалб этувчанлик инвестициялаш жараёнининг шундай шарт-шароитини англатадики, бунда инвестиция ресурсига эга инвестор инвестициялашнинг муқобил вариантлари шароитида инвестицион жозибадорлиги юқори бўлган лойиҳани нисбий афзал сифатида танлайди. Бунда инвестор томонидан имкониятга эга объект сифатида алоҳида лойиҳа, корхона, ҳудуд, мамлакат бўлиши мумкин. Инвестицион фаоллик инвестицион жалб этувчанлик ва инвестицион салоҳиятнинг ички конструктив тузилишига боғлиқ.

Инвесторлар учун ҳудудларнинг инвестицион салоҳияти унинг инвестицион жалб этувчанлиги билан ифодаланиб, бунда хусусий инвестицион ресурслар асос вазифасини бажаради. Инвестицион салоҳиятни баҳолаш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича қарорлар қабул қилишда, аввало, инвестицияларни молиялаштиришнинг ички манбаларини максимал жалб этиш ва кейинги инвестиция лойиҳаларига эҳтиёжни ташқи инвестицияларни молиялаштириш манбалари ҳисобига истиқболли лойиҳаларга жалб этишни тақозо қилади.

Диссертациянинг «**Ҳудудлар инвестицион салоҳиятини баҳолаш ва бошқариш тизимининг амалдаги ҳолати таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида ҳудудлар инвестицион салоҳиятини баҳолаш усуллари ва бошқариш самарадорлиги таҳлили, ҳудудлар инвестицион салоҳиятидан оқилона фойдаланишда инвестицияларни молиялаштириш манбалари таҳлили, инвестицион салоҳият асосида ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳолати таҳлил қилинган.

¹³ Интернетдаги расмий манбалар асосида муаллиф томонидан тизимлаштирилган.

Халқаро амалиётда инвестицияларнинг миллий иқтисодиётдаги аҳамиятини баҳолашга оид бир қатор услубиётлар шакллантирилган. Шундай услубиётлардан бири капитал ва ишлаб чиқариш ҳажми ошишини ўзаро қиёслаш нисбати модели¹⁴ (*ICOR, Incremental Capital-Output Ratio*) ҳисобланади.

Бундай модель инвестицияларнинг мамлакат ёки ҳудудлар иқтисодий тараққиётига таъсирини баҳолаш куйидаги формула орқали ифодаланади:

$$ICOR = \frac{\Delta K}{\Delta Y}. \quad (3)$$

Бу ерда: ΔK – мамлакат ёки ҳудуд иқтисодиётига маълум давр мобайнида инвестициялар киритиш ҳисобига мавжуд капитал ҳажмининг ошиши ҳисобланиб, ΔY – таҳлил қилинаётган давр мобайнида ЯИМ ёки ЯҲМ ҳажми ошишини ифодалайди.

Бу формулага аниқлик киритиш мақсадида куйидагича қайта тизимлаштириш мумкин:

$$ICOR = \frac{\Delta K}{\Delta Y} = \frac{\frac{\Delta K}{Y}}{\frac{\Delta Y}{Y}}. \quad (4)$$

Бу ерда, $\frac{\Delta K}{Y}$ капитал ҳажмининг йиллик ўсиши жами киритилган инвестициялар ҳажмига тенглиги ҳисобга олинса, формулани куйидагича ифодалаш мумкин:

$$ICOR = \frac{\Delta K}{\Delta Y} = \frac{\frac{\Delta K}{Y}}{\frac{\Delta Y}{Y}} = \frac{I_t}{Y_t - Y_{t-1}}. \quad (5)$$

Бу ерда: I_t/Y_t – республика ёки ҳудудлар кесимида муайян даврдаги жами асосий капиталга инвестицияларни ЯИМ ёки ЯҲМдаги салмоғини ифодалайди. Хусусан, бу кўрсаткич ҳар бир ҳудуднинг инвестицион фаоллик кўрсаткичини ифодалайди. Y_t/Y_{t-1} – муайян давр мобайнида ЯИМ ёки ЯҲМ ҳажмининг йиллик реал ошишини ифодалайди. Бундай кўрсаткичдан 1ни чегириш воситасида нисбий ўсиш мутлақ кўрсаткичи аниқланади. Агар коэффицент манфий бўлса, реал иқтисодий ўсиш кузатилмайди. Демак, мусбат кўрсаткич иқтисодий ўсишнинг қай даражада бўлишидан қатъий назар мавжудлигини кўрсатади.

1-жадвал маълумотларидан кузатиш мумкинки, 2013 йилда ҳудуд иқтисодиётига киритилган инвестициялар 6,3 бирликни ташкил қилганда ЯҲМ ҳажмининг 1 бирлик ошиши таъминланган. Бу кўрсаткич 2018 йилда 5,0/1; 2019 йилда эса 6,6/1 нисбатда бўлган. Барча таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида $\Delta ICOR_{PecH} < \Delta ICOR_{KKP}$ кузатилмоқда.

Бу, ўз навбатида, фаол ҳудудий инвестиция сиёсати олиб борилаётганлигига қарамай, Қорақалпоғистон Республикасида асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати ЯҲМнинг ўсиш суръатига нисбатан ўртача республика даражасидан юқори бўлаётганлигини кўрсатади. Ҳолбуки, инвестицияларнинг иқтисодий ўсишга

¹⁴ Reinhart, Carmen M. «Comment» on Giancarlo Corsetti, Paolo Pesenti, and Nouriel Roubini: «Fundamental Determinants of the Asian Crisis: The Role of Financial Fragility and External Imbalances», in Takatoshi Ito and Anne Krueger, eds. *Regional and Global Capital Flows: Macroeconomic Causes and Consequences* (Chicago: University of Chicago Press for the NBER, 2001), 42–45. ISBN 9780226386768.

таъсиридаги «Вақтинчалик инвестицион лаг»нинг сезиларсиз таъсири кузатилишига қарамай, Қорақалпоғистон Республикасидаги иқтисодий фаоллик кўрсаткичига асосий капиталга инвестициялар таъсирининг мультипликатив самараси паст даражада қолмоқда.

Таклиф қилинаётган услубиёт асосида кузатиш мумкинки, 2018 йилга келиб, $ICOR_{Респ}$, $ICOR_{ҚҚР}$ кўрсаткичларида пасайиш кузатилган. Бу, ўз навбатида, ЯХМга нисбатан ҳисобланувчи инвестицион фаолликни реал ҳудудий иқтисодий ўсишга нисбатан самарали таъсирини ифодалайди. Аммо Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон Республикасига (4,4) нисбатан юқори кўрсаткич (5,0) инвестицияларнинг ҳудудий иқтисодий ўсишга мультипликатив таъсири республика бўйича ўртача кўрсаткичдан пастлигини тасдиқлайди.

1-жадвал

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасида инвестициялар ва уларнинг макроиқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили¹⁵

| № | Кўрсаткичлар | Йиллар | | | | | | |
|---|---|----------|----------|----------|----------|----------|----------|----------|
| | | 2012 | 2013 | 2014 | 2015 | 2017 | 2018 | 2019 |
| Ўзбекистон Республикаси бўйича | | | | | | | | |
| 1.1. | ЯИМ, млрд. сўм | 144548,3 | 177153,9 | 210183,1 | 242495,5 | 302536,8 | 406648,5 | 511838,1 |
| 1.2. | Асосий капиталга инвестициялар, млрд. сўм | 30490,1 | 37646,2 | 44810,4 | 51232 | 72155,2 | 124231,3 | 189924,3 |
| 1.3. | ЯИМнинг ўтган йилга нисбатан реал ўсиши, %да | 7,6 | 7,2 | 7,4 | 6,1 | 4,5 | 5,4 | 5,6 |
| 1.4. | Инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши, %да | 21,1 | 21,3 | 21,3 | 21,1 | 23,9 | 30,6 | 37,1 |
| ҚҚР бўйича | | | | | | | | |
| 2.1. | ЯХМ, жорий нархларда, млрд. сўм | 4026,5 | 5023,4 | 6227,1 | 8036 | 10243 | 15009,4 | 18735,7 |
| 2.2. | ҚҚРда асосий капиталга инвестициялар, жорий нархларда, млрд. сўм. | 2415 | 3990,6 | 6021,2 | 3778,3 | 2822 | 6757,8 | 8434,6 |
| 2.3. | ЯХМни ўтган йилга нисбатан реал ўсиши, %да | 8,3 | 9,5 | 11,1 | 13,3 | 6 | 5,5 | 6,8 |
| 2.4. | Инвестицияларнинг ЯХМдаги улуши, %да | 60,0 | 79,4 | 96,7 | 47,0 | 27,6 | 45,0 | 45,0 |
| Халқаро стандартлар бўйича ҳисоблаш усули | | | | | | | | |
| 3.1. | $ICOR_{Респ}$ | 2,8 | 3,0 | 2,9 | 3,5 | 5,3 | 5,7 | 6,6 |
| 3.2. | $ICOR_{ҚҚР}$ | 7,2 | 8,4 | 8,7 | 3,5 | 4,6 | 8,2 | 6,6 |
| Таклиф қилинаётган ҳисоблаш усули | | | | | | | | |
| 3.1. | $ICOR_{Респ}$ | | 2,9 | 2,9 | 3,5 | 4,7 | 4,4 | 5,5 |
| 3.2. | $ICOR_{ҚҚР}$ | | 6,3 | 7,2 | 7,3 | 7,8 | 5,0 | 6,6 |
| 3.3. | $\Delta ICOR_{Респ}$ | | | 0 | +0,6 | +1,2 | -0,3 | +1,1 |
| 3.4. | $\Delta ICOR_{ҚҚР}$ | | | +0,9 | +0,1 | +0,5 | -2,8 | +1,6 |

Бунда инвестицияларнинг истиқболли иқтисодий ўсишга ижобий таъсирини инобатга олган ҳолда $ICOR$ кўрсаткичини ҳисоблашда ўтган йилги

¹⁵ www.stat.uz-сайти маълумотлари.

асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши жорий даврдаги реал иқтисодий ўсишга нисбати (бўлиш) орқали ҳисобланади.

Маълумки, ҳудудларга инвестицияларни жалб этишда инвестицион салоҳият ва инвестицион рисклар муҳим аҳамият касб этади. Шунга асосланган ҳолда ҳудудлар инвестицион жалб этувчанлигининг қуйидаги модели ишлаб чиқилди.

Бу модель асосида 8 та босқичдаги вазифалар кетма-кетлиги асосида инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини аниқлаш мумкин. Хусусан, бунда самарадорликнинг асосий мезонларидан бири сифатида ЯХМнинг йиллик ўсиш суръатига инвестициялар таъсирини баҳолашнинг республика бўйича ўртача кўрсаткичи билан қиёсий таҳлиллар ташкил қилади (4-расм).



4-расм. Ҳудудларга инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини аниқлашнинг имитацион модели¹⁷

¹⁷ Муаллиф ишланмаси.

Таҳлил қилинаётган даврда аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилаётган инвестицияларнинг республика бўйича ўртача даражадан ҳудудлар неча баробарга юқори ёки паст эканлигини аниқлашда ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг республика бўйича индексини (I_{ipp}) ҳисоблаш орқали таҳлил қилишга ҳаракат қилинди (2-жадвал).

Бу индекс қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$I_{ipp} = \frac{I_r}{\frac{\sum P_r}{\sum P_t}} \quad (6)$$

Бу ерда: $I_r/\sum P_r$ – ҳудудларда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг аҳоли жон бошига нисбати; $I_t/\sum P_t$ – асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг республика бўйича ўртача кўрсаткичи ҳисобланади.

2-жадвал

Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг республика бўйича ўртача индекси¹⁶

| Ҳудудлар | 2013 й. | 2014 й. | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. |
|------------------------------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|---------|
| Республика бўйича жами | 1,00 | 1,00 | 1,00 | 1,00 | 1,00 | 1,00 | 1,00 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 1,39 | 1,86 | 2,37 | 1,30 | 0,69 | 0,97 | 0,80 |
| Андижон вилояти | 0,52 | 0,47 | 0,47 | 0,46 | 0,45 | 0,41 | 0,41 |
| Бухоро вилояти | 1,71 | 1,65 | 1,58 | 2,01 | 2,81 | 1,35 | 0,93 |
| Жиззах вилояти | 0,92 | 0,79 | 0,72 | 0,70 | 0,61 | 0,71 | 0,99 |
| Кашқадарё вилояти | 1,27 | 1,32 | 1,38 | 1,49 | 1,61 | 1,38 | 1,29 |
| Навоий вилояти | 1,88 | 1,58 | 1,37 | 1,97 | 1,88 | 2,90 | 3,06 |
| Наманган вилояти | 0,48 | 0,58 | 0,60 | 0,67 | 0,60 | 0,79 | 0,74 |
| Самарқанд вилояти | 0,62 | 0,60 | 0,64 | 0,62 | 0,53 | 0,50 | 0,46 |
| Сурхондарё вилояти | 0,60 | 0,53 | 0,54 | 0,55 | 0,64 | 0,76 | 0,78 |
| Сирдарё вилояти | 1,12 | 1,05 | 0,97 | 1,03 | 0,90 | 0,87 | 1,20 |
| Тошкент вилояти | 1,17 | 1,20 | 1,11 | 0,94 | 0,94 | 1,03 | 1,19 |
| Фарғона вилояти | 0,63 | 0,55 | 0,51 | 0,46 | 0,37 | 0,40 | 0,40 |
| Хоразм вилояти | 0,75 | 0,78 | 0,62 | 0,55 | 0,55 | 0,44 | 0,47 |
| Тошкент шаҳри | 2,10 | 2,06 | 2,01 | 2,39 | 2,49 | 2,82 | 2,86 |

Аҳоли жон бошига асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг республика бўйича ўртача даражаси шартли равишда 1 индекс деб қабул қилинса, 2013-2014 йилларда – 7 та, 2015-2016 йилларда – 6 та, 2017 йилда – 4 та, 2018 йилда – 5 та, 2019 йилга келиб эса 5 тани ташкил қилган. Ўртачадан юқори кўрсаткич 2019 йилда Қашқадарё (1,29), Навоий (3,06), Сирдарё (1,20), Тошкент (1,19) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (2,86) кузатилмоқда.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Юқоридаги ҳолатларга асосланган ҳолда қуйидаги хулосалар тизимлаштирилди:

Биринчидан, ҳудудларни яқин истиқболдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш бўйича ҳудудий инвестиция сиёсати улардаги мавжуд инвестицион салоҳиятдан оқилона фойдаланиш механизмини рўёбга чиқариш орқали таъминланмоқда;

Иккинчидан, Республика ҳудудлари бўйича ялпи инвестицион фаоллик юқори бўлишига қарамасдан инвестицион фаолликни мувозанатли таъминлаш билан боғлиқ муаммоларга дуч келинмоқда. Ушбу ҳолат истиқболда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида ассиметрик тафовутни юзага келтириш рискинни кучайишига сабаб бўлиши мумкин.

Учинчидан, ҳудудий инвестицион фаоллик турли ижтимоий-иқтисодий омиллар детерминантлари орқали шаклланадиган инвестицион салоҳиятнинг интеграл кўрсаткичларига асосланиши табиий ҳолат ҳисобланади. Бу ўз навбатида, давлат инвестицион сиёсатининг стратегик йўналишини белгилашда ҳудудларнинг мавжуд инвестицион салоҳияти компонентларига асосланган ҳолда инвестицияларни тақсимлаш орқали ҳудудий иқтисодий ривожланишни таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, Республика бўйича асосий капиталга инвестицияларни юқори тўпланиши нисбатан барқарор иқтисодий ривожланиш даражасига эга бўлган ҳудудларга (Тошкент шаҳри, Навоий, Бухоро вилоятларига) тўғри келмоқда. Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Наманган вилоятларида эса паст кўрсаткич кузатилмоқда.

Ҳудудлардаги ва айниқса ҚҚРдаги Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг барқарор ошиб боришига қарамай, марказлаштирилмаган инвестицияларни молиялаштириш манбаининг паст улуши ҳудуд инвестицион салоҳиятидан фойдаланиш бўйича тизимли ишларни амалга оширишни талаб этади. Бунда банклар ва бошқа молиявий муассасаларнинг инвестицион фаоллигини янада ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳар бир ҳудудга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича фаолликни янада ошириш назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикасида жами асосий капиталга инвестициялар 2013 йилда 30490,1 млрд.сўмни ташкил қилиб, бунда марказлаштирилган инвестициялар 5581,3 млрд.сўмни, марказлаштирилмаган инвестициялар эса 24908,8 млрд. сўмни ташкил қилган. Агар жами асосий капиталга инвестицияларда марказлаштирилмаган инвестицияларнинг улуши ўртача Ўзбекистон Республикасида $(24908,8/30490,1 \times 100)$ 81,7 %ни, ушбу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида $(2147,3/2415,1 \times 100)$ 88,9 %ни ташкил қилган.

Бундай тенденция 2019 йилгача ўсиш суръатига эга бўлиб, марказлаштирилган инвестициялар 50686,8 млрд. сўмни, марказлаштирилмаган инвестициялар эса 139237,5 млрд. сўмни ташкил қилган. Бунинг асосий сабаби асосий капиталга инвестициялар таркибида марказлаштирилган инвестицияларни асосан ҳукумат кафолатлари асосидаги хорижий инвестициялар, давлат бюджети маблағлари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт

жамғармаси ресурслари ҳисобига ўсиш кузатилган. Лекин шундай бўлса-да, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан номинал мазмунда марказлаштирилмаган инвестицияларни жалб этиш ($\Delta Id = Id_n - Id_{n-1} = 41218,7$ млрд. сўм.), марказлаштирилган инвестицияларни жалб этишга нисбатан ($\Delta Ic = Ic_n - Ic_{n-1} = 24473,9$ млрд. сўм.) кўп бўлган.

Хусусан, марказлаштирилмаган ва марказлаштирилган инвестициялар ҳажмининг йиллик номинал ошиш суръатларига нисбати индекси 2018 йилда ($\Delta Id / \Delta Ic$) 3,6 ни ташкил қилган, 2019 йилга келиб, бу кўрсаткич 1,7 баробарга кўп бўлган. Марказлаштирилмаган инвестицияларни марказлаштирилган инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръатига нисбати индекси ($\Delta Id / \Delta Ic$) таҳлил қилинаётган 2014-2019 йилларда *min* 1,7 дан *max* 6,6 интервалида тебранган.

Қорақалпоғистон Республикасида ҳам асосий капиталга жами инвестицияларда марказлаштирилмаган инвестициялар асосий салмоқни ташкил қилмоқда. Лекин бу тенденция сифат кўрсаткичлари нуқтаи назаридан қандай ҳолатни ифодалаши 3-жадвалдаги ҳисоб-китобларда келтирилган.

3-жадвал

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасида асосий капиталга инвестициялар манбаларининг таҳлили¹⁸, млрд. сўм

| Жами молиялаштириш манбалари қиёсий кўрсаткичлари | | Йиллар | | | | | | |
|---|--|---------|---------|---------|---------|---------|----------|----------|
| | | 2013 | 2014 | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 |
| ЎЗР | Жами асосий капиталга инвестициялар | 30490,1 | 37646,2 | 44810,4 | 51232 | 72155,2 | 124231,7 | 189924,3 |
| | $\Delta I = I_n - I_{n-1}$ | | 7156,1 | 7164,2 | 6421,6 | 20923,2 | 52076,5 | 65692,6 |
| | Марказлаштирилган инвестициялар (Ic) | 5581,3 | 6524,2 | 8595,2 | 10489,1 | 14975,1 | 26212,9 | 50686,8 |
| | $\Delta Ic = Ic_n - Ic_{n-1}$ | | 942,9 | 2071 | 1893,9 | 4486 | 11237,8 | 24473,9 |
| | Марказлаштирилмаган инвестициялар (Id) | 24908,8 | 31122 | 36215,2 | 40742,9 | 57180,1 | 98018,8 | 139237,5 |
| | $\Delta Id = Id_n - Id_{n-1}$ | | 6213,2 | 5093,2 | 4527,7 | 16437,2 | 40838,7 | 41218,7 |
| | $\Delta Id / \Delta Ic$ | | 6,6 | 2,5 | 2,4 | 3,7 | 3,6 | 1,7 |
| ҚҚР | Жами асосий капиталга инвестициялар | 2415,1 | 3990,6 | 6021,2 | 3778,3 | 2822,3 | 6757,8 | 8434,6 |
| | $\Delta I = I_n - I_{n-1}$ | | 1575,5 | 2030,6 | -2242,9 | -956 | 3935,5 | 1676,8 |
| | Марказлаштирилган инвестициялар (Ic) | 267,8 | 499,5 | 1228,8 | 581,9 | 427,9 | 1669,2 | 2786,6 |
| | $\Delta Ic = Ic_n - Ic_{n-1}$ | | 231,7 | 729,3 | -646,9 | -154 | 1241,3 | 1117,4 |
| | Марказлаштирилмаган инвестициялар (Id) | 2147,3 | 3491,1 | 4792,4 | 3196,4 | 2394,4 | 5088,6 | 5648,0 |
| | $\Delta Id = Id_n - Id_{n-1}$ | | 1343,8 | 1301,3 | -1596 | -802 | 2694,2 | 559,4 |
| | $\Delta Id / \Delta Ic$ | | 5,8 | 1,8 | 2,5 | 5,2 | 2,2 | 0,5 |

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

